Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2010 йил — Баркамол авлод йили

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2010-YIL 2-IYUL, JUMA, 78 (7695) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.

Грециядаги халқаро "Антик Дунё" илмий Академияси таниқли боғбон, лалми ерларда боғ яратиш технологияси билимдони, Сариосиё туманидаги "Боғу бўстон" фермер хўжалиги раҳбари Носирхон Тўрақуловни профессор унвони билан тақдирлади.

Бундай марказ биринчи бўлиб Фориш туманида ташкил этилишининг ҳам омиллари бор. Негаки, лалми ерлардаги боғдорчилик борасида туманда катта тажриба тўпланган. Форишликларнинг қадимдан лалми қир-адирларда, тоғ ёнбағирларида ва ҳатто, юксак тоғларда кўплаб токзорлар барпо этиб, жаҳонга машҳур ширин-шарбат, шифобахш узум ва майизлар етиштираётганини кўпчилик билади.

Халқимиз меъморчилик санъатида ёғоч ўймакорлиги алоҳида ўрин тутади. Хусусан, бежирим, нақшинкор устунлар, эшик ва дарвозалар мана шу ҳунар соҳибларининг машаққатли меҳнатлари туфайли бетакрор кўриниш касб этган. Асрлар оша такомиллашиб борган ўймакорлик санъати намуналари ошуфта қалбларни ҳамон ҳайратга солади.

саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда саҳифаларда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Биз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар эл-юртимиз, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тутиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Ана шу муҳим йўналишда шаклланган анъаналарни узвий давом эттирган ҳолда, ўтган давр мобайнида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритган улкан марралар, ютуқ ва натижаларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз ва халқаро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз қалбида чуқур таассурот қолдирадиган юксак савияда ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика комиссияси бир ҳафта муддатда **"Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон"** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

2. Ушбу дастурни тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Ўтган ўн тўққиз йиллик мустақил тараққиёт йўли Ўзбекистонимиз учун сиёсий соҳада, давлат ва жамият қурилиши, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаёт ва маънавият, суд-ҳуқуқ тизими, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш борасида ривожланиш ва юксалиш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш даври бўлганини чуқур очиб бериш;

мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётганини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

шу ўтган даврда бетакрор меросимиз, бой тарихимиз, дину диёнатимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тиклангани, одамларимизнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётганини ҳар томонлама очиб бериш;

истиқлол халқимиз учун янги-янги имкониятлар туғдириб бераётганини, ҳар бир юртдошимизнинг ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини бўлиб келаётганини ўтказиладиган барча тадбирларнинг маъно-мазмунига теран сингдириш;

(Давоми 2-саҳифада)

Инқирозга қарши чоралар дастури — амалда

«SABO»НИНГ СИФАТЛИ ПОЙАФЗАЛЛАРИ

Фарғона шаҳрида «SABO poyafzal» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Фарғона вилоятида жорий йилда саноатни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш учун 47 лойиҳа бўйича инвестициялар киритиш кўзда тутилган. Мазкур корхона ҳам Инвестиция дастури асосида ташкил этилди. Бу ерда замонавий технологиялар асосида турли хил пойафзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

"Фарғона сунъий чарм заводи" акциядорлик жамияти негизида "Алоқабанк" томонидан ташкил этилган "SABO poyafzal" масъулияти чекланган жамиятига 1 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди. Айни пайтда корхонанинг сифатли, бежирим ва пишиқ маҳсулотлари харидорларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу ерда 70 нафар йигит-қиз кунига ўртача 300 жуфт пойафзал тайёрламоқда.

— Рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш – давр талаби, — дейди жамият директори Шаҳобиддин Камолов. — Маҳсулотларимиз 50 дан ортиқ замонавий дизайн асосида табиий теридан тикилмоқда. Йил охирига қадар экспортни йўлга қўйиш ниятидамиз.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎзА мухбири.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЯРАТУВЧИЛАРИ САФИДАМИЗ

Бугун юртимизда кўпчиликнинг ҳаваси келадиган тинчлик, осойишталик, фаровонлик ҳукмрон. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръати сақланиб қолди. Дунёнинг бир қатор давлатларида сезилаётган озиқ-овқат танқислиги шароитида бозорларимиз тўкин, арзон, дастурхонимиз файзли.

Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир. Озод ва обод Ватанда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига, халқ фаровонлигига муносиб улуш қўшиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш жараёни қишлоқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги билан узвий боғлиқ. Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоқ тараққий топса, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Айни шу жиҳатга мустақилликнинг илк йиллариданоқ эътибор бериб келинмоқда. Яъни, энг қийин ва қалтис даврда қарийб 2,5 миллион оилага 400 минг гектар ер қўшимча томорқа сифатида берилганди. Бу эса ниҳоятда кескин муаммоларни бартараф этишда муҳим роль ўйнади. Меҳнатга яроқли аҳолини иш билан таъминлаш, аҳолининг реал даромадини ошириш, энг муҳими, озиқ-овқат маҳсулотлари кўпайтиришга катта имконият яратди.

Ўтган даврда қишлоқ аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида 80 дан ортиқ қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинди. Бу, энг аввало, қишлоқларда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда долзарб аҳамият касб этувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш имкониятини ҳам берди.

Кўзланган мақсадга эришиш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаол иштирок этиб келаётир. Халқимизнинг "Маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг" деган пурмаъно ибораси ҳар бир қонадон, элу юртнинг ҳақиқий қиёфаси бўлган маҳалла ҳаётида ўз аксини кўрсатмоқда.

Бугун дунё эътироф этаётган, ўрганаётган, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган "ўзбек модели"да аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш, унинг муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бош тамойиллардан бири сифатида мустаҳкамланган. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда, айниқса, қишлоқ жойларда деҳқон хўжаликларини яхши йўлга қўйган ҳолда томорқадан самарали фойдаланиб, бугун бир парча ердан катта даромад олаётган, рўзғорига барака киритаётган юртдошларимиз сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилда республикамизда мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари умумий ҳажмининг 55 фоизи аҳоли томорқаларида етиштирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Қирғизистон Республикаси ўтиш даври Президенти Роза Отунбоева Жаноби Олияларига

Ҳурматли Роза Исоқовна!

Жорий йилнинг 27 июнь куни бўлиб ўтган референдум натижаларига мувофиқ Сизга Қирғизистон Республикасининг ўтиш даври Президенти ваколатлари берилгани муносабати билан табриклайман ҳамда дўст Қирғизистон халқига чин юракдан тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва фаровонлик тилайман.

Ишончим комилки, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида рўй берган қонли ва ғайриинсоний воқеалар юзасидан холис ва адолатли тергов, умид қиламанки, у мутахассислар ва халқаро экспертлар иштирокида ўтказилади, кўп асрлардан буён Қирғизистон жанубида яшаб келаётган қирғиз ва ўзбек миллатига мансуб аҳоли манфаатларининг муштараклиги ва узвийлигини намоён этади.

Шу билан бирга, ушбу тергов ўзининг қабиҳ мақсадларига эришиш йўлида минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётини қурбон қилишдан ҳам тап тортмайдиган фитначи ва ташқи буюртмачиларнинг асл башарасини очиб беради.

Яна бир бор шуни ишонч билан таъкидламоқчиманки, Қирғизистон халқининг ақл-идроки бугунги кунда унинг бошига тушган бу синовларни енгиб ўтиш имконини беради.

Эҳтиром билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

Тошкентда 30 июнь куни Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) миссияси ва Ўзбекистон Республикаси расмий органлари қуйидаги қўшма баёнотни қабул қилди:

"Халқаро валюта жамғармаси миссияси 2010 йилнинг 14-29 июнь кунлари Ўзбекистон билан IV-модда бўйича 2010 йилги маслаҳатлар доирасида муҳокамалар ўтказиш учун Тошкентда бўлди. Миссияга ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ёрдамчиси Талин Коранчелян хоним раҳбарлик қилди. Иқтисодий сиёсатни муҳокама қилишда ХВЖнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари Дэвид Оуэн иштирок этди.

Муҳокама чоғида жаҳон инқирози даврида қабул қилинган иқтисодий сиёсатнинг инқирозга қарши чораларига, 2009 йилнинг иқтисодий якунларига, 2010 йил ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ривожланиш истиқболларига, шунингдек, Ўзбекистон учун долзарб бўлган иқтисодий сиёсат масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Расмий органларнинг иқтисодий сиёсати туфайли жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон барқарор мамлакат бўлиб қолмоқда. Мазкур сиёсат бюджетнинг сезиларли профицитини таъминлади ва уларга бу даврда ривожланишни қўллаб-қувватлаш учун катта миқдордаги ресурсларни тўплаш имконини берди.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё вилояти

Зарбдор меҳнат кунлари

Ғўза, бўлажак ҳосил тақдири саратонда ҳал бўлади. Бу даврда агротехник тадбирларни сифатли бажариш, ҳосилга ҳосил қўшиш айни чоғда механизатор ва сувчиларнинг далалардаги матонати, жасорати, энг асосийси, омилкорлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Ғўзани яшнатувчи, яратувчилар меҳнатини қадрлаш, уларни рағбатлантириб, руҳини кўтариш эса зарбдор 90 кунликда сувчи ва механизаторларни янада шижоаткорона ишлашга отлантиради.

МАЪНАВИЙ МАДАД – ЮТУҚЛАРГА ДАЪВАТ

Шу боисдан ҳам айни чоғда вилоят ҳокимлиги сувчи ва механизаторларни совға-салом билан рағбатлантириб, улар руҳини кўтаришга алоҳида эътибор бермоқда. Яқинда шундай тадбир Сардоба туманидаги Узоқов номли сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг Маҳбуба Кулчиева раҳбарлик қилаётган "Мабуда" фермер хўжалиги дала боғида бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Ойбек Шодмонқулов уюшмадаги 90 нафардан ортиқ сувчи ва механизаторларга вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилот "ИМПЕКС" масъулияти чекланган жамияти жамоасининг эсдалик совғаларини топширар экан, ҳосилга ҳосил қўшиш омилкор механизатор ва сувчиларнинг шу кеча-кундуздаги меҳнатига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлади.

Тадбирга шоирлар ва санъаткорлар ўзгача руҳ бағишлашди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг раҳбари Ҳаётхон Ортиқбоева деҳқонни, она заминни, олтин бошоқларимизни улуғловчи шеърларидан ўқиб берди. Туман маданият уйи санъаткорлари эса оҳанрабо куй ва қўшиқлари билан дала заҳматкашлари — механизатор ва сувчилар қалбларини шод этди.

Механизатор ва сувчиларни дала бошида рағбатлантириб, уларга маънавий мадад берувчи шундай тадбирлар вилоятнинг барча жойларида бўлиб ўтмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

2 июль — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

МАНГУ ИФТИХОР МАНБАИ

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, ўз давлат рамзларига эга бўлди. Уларда халқимизнинг маънавий-маданий мероси, тарихи, урф-одат ҳамда анъаналари, орзу умидлари, эзгу мақсадлари мужассамдир. Давлатимизнинг Байроғи, Мадҳияси, Конституцияси, миллий пули каби Герби ҳам ана шундай муқаддас тимсоллардандир.

Президентимиз Ислом Каримов 1992 йилнинг 2 июлида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонунга имзо чекди.

Мазкур ҳужжатга асосан, гербимиз тасвири Ўзбекистон Республикаси Президенти девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, ҳокимликлар, давлат қўмиталари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари бинолари, хорижий мамлакатлардаги дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари пештоқига ўрнатилган.

Гербимиз тасвири давлат идораларининг муҳр ва бланкаларида, расмий нашрларда, миллий пул, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, почта маркаларида, фуқаролик паспортларида акс эттирилади. Мамлакатимиз давлат чегараларида барпо этилган салобатли дарвозалардаги Давлат герби барчамизга ғурур-ифтихор бағишлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида халқимизнинг тарихи, орзу-истаклари, қадриятлари, турмуш тарзи, юртимизнинг гўзал табиати акс этган. Ундаги ҳар бир ранг, ҳар бир белгида муайян рамзий маъно бор.

(Давоми 2-саҳифада)

Qishloq hayoti — Қишлоқ ҳаёти

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибидаги ҳамда шу йўналишдаги вазирлик ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат","Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзғўштсутсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ТЎҚҚИЗ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-саҳифада)

биз танлаб олган миллий тараққиёт йўли асосида юртимизда кенг кўламли ислоҳотлар янги босқичда давом эттирилаётгани, Ўзбекистоннинг жаҳон молиявий инқирози шароитида иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, аҳолининг ҳаёт даражасини барқарор сақлаб қолиш борасида эришаётган амалий натижалари, тараққиётнинг ўзбек моделига хос устувор тамойиллар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилаётганига алоҳида эътибор қаратиш;

мамлакатимизда қабул қилинган муҳим ижтимоий дастурлар, жумладан, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг ижобий самараларини, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом бўлиб камол топаётганини аниқ ва таъсирчан ҳаётий мисоллар ёрдамида ёритиб бериш.

3. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиблар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига Мустақиллик байрамининг ўн тўққиз йиллигини муносиб нишонлаш учун жойларда тегишли комиссиялар тузиш ҳамда республика дастурида белгилаб берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида ободонлаштириш ишларини олиб боришни кўзда тутадиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш топширилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни расмиятчилик ва баландпарвозлик ҳолатларига йўл қўймасдан, кенг жамоатчиликнинг вакилларини жалб этган ҳолда, оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

5. Республика комиссияси ўз йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар қайси ҳудуд, вазирлик ва идора рахбарлари ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борсин.

6. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда юртимиз истиқлолини таннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқлар, мусиқа асарлари учун "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин. Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуғ, энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда ғолиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 30 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ҚЎШМА БАЁНОТИ

(Боши 1-саҳифада)

Миссия расмий органларни инқирозга қарши ўз вақтида ва самарали чоралар кўргани билан табриклайди, расмий органларнинг инқирозга қарши дастурлари, жумладан, солиқ юкининг камайтирилиши 2009 йилда жаҳон инқирозининг банк секторига таъсирини чеклаш, тўлов балонси ижобий сальдосини ва юқори ўсиш суръатларини сақлашда муҳим аҳамият касб этганини қайд этади. Жаҳон молия бозорларидан қарз олишга ғоят эҳтиёткорлик билан ёндашиш ҳам мамлакатга глобал инқироз таъсирини юмшатиш имконини берди. Ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил қилди, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Айни вақтда инфляциянинг ўртача ўсиши сезиларли даражада ошмади.

Инқирозга қарши чоралар дастури самараси давом этаётгани, расмий органларнинг саноатни модернизация қилиш ва инфратузилмани ривожлантириш дастури, ташқи иқтисодий конъюктурани яхшилаш туфайли 2010 йилда реал ялпи ички маҳсулотнинг янада ўсиши ва у 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Расмий органлар ва миссия келажакда ҳам пухта ўйланган макроиқтисодий сиёсат ёрдамида инфляция босими шаклланишининг олдини олиш қисқа муддатли истиқболда асосий вазифа ҳисобланишини маъқуллайди.

Миссия расмий органларнинг мамлакат аҳолиси жон бошига реал даромадни янада ошириш, ўсиб бораётган ёш ишчи кучи учун янги иш ўринларини ташкил этиш Ўзбекистоннинг ўрта муддатли истиқболдаги вазифаси экани хусусидаги фикрини тўла маъқуллайди. Бунда расмий органларнинг саноатни модернизация қилиш бўйича дастури Ўзбекистонда инвестицияларни кенгайтириш учун асос бўлиб хизмат қиладиган инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган. Кейинги тўрт йилда молия секторида жиддий ривожланишга эришилди, банклар капитали ва активларининг сезиларли даражада кўпайиши банк секторини барқарорлаштиришга ёрдам берди ва саноатни модернизация қилиш ҳамда инфратузилмани ривожлантириш давлат дастурини қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Давлат дастурининг иқтисодий афзалликларини тўла амалга ошириш мақсадида миссия қатор тавсиялар берди. Бу тавсиялар қатъий пул-кредит сиёсатини, янада мослашувчан курс сиёсатини, айниқса, валюта тизими ва солиқ маъмуриятини янада ислоҳ қилишни, молия секторини ривожлантиришни, шунингдек, маълумотлар сифати ва тарқатилишини яхшилашни давом эттиришни ўз ичига олган. Мазкур тавсиялар расмий органлар томонидан иқтисодий сиёсатни такомиллаштириш ва амалга оширишда синчковлик билан кўриб чиқилади.

Миссия расмий органлар эътиборини ХВЖ Ўзбекистонга ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда, жумладан, техник ёрдам кўрсатишга тайёр эканига қаратди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий органларидан яқин ҳамкорлик ва масалаларни очиқ ва самарали муҳокама қилгани учун миннатдордир».

Сурхондарё Вилояти

Грециядаги халқаро "Антик Дунё" илмий Академияси таниқли боғбон, лалми ерларда боғ яратиш технологияси билимдони, Сариосиё туманидаги "Боғу бўстон" фермер хўжалиги раҳбари Носирхон Тўрақуловни профессор унвони билан тақдирлади.

Хушхабар

Сурхон боғбони халқаро Академия профессори

Бу бежиз эмас, албатта. Саксон ёшдан ошган Носирхон ота Сурхондарёда лалми майдонларда мевали боғлар барпо этиш юзасидан мактаб яратган инсон. У Газарак ва Тоқчи адирликлари этакларида бўш ётган лалми ерларнинг 332 гектарини ўзлаштириб, йиллар давомида боғга айлантирди. Бу ерда ҳар йили тонна-тонна сархил мевалар етиштирилиб, эл дастурхонига тортиқ этилмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, Носирхон Тўрақулов тоғолди ҳудудларда нафақат сархил ва харидоргир олма навларини кўпайтириш билан банд бўлиб қолмай, дўланага чатиштирилган нок, эрон писталарини маҳаллий шароитда ўстириш йўлида тажрибалар ҳам олиб боряпти. Кекса боғбон етиштираётган анорнинг айрим навлари меваси бир килограммдан ошиқ тош босаётгани эътиборга молик. "Боғу бўстон" фермер хўжалигига қарашли адирликларда тўққиз-ўн йилдан бери худди сувли майдонлардагидек яшнаб турган "Кремсон", "Жанатан", "Семиренко" навли олма дарахтларининг ҳар тупидан 230-250 килограммдан ҳосил олаётган боғбон тажрибаси бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Яқинда "Боғу бўстон" фермер хўжалиги боғида воҳа боғбонлари, агрофирмалар раҳбарлари, кенг жамоатчилик тўпланди. Сариосиё туманидаги Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Очилди Хидиров машҳур боғбон ҳақида, у киши яратган боғлар хусусида йиғилганларга ҳикоя қилди. Сўнг "Антик Дунё" халқаро илмий Академиясининг Сурхондарё вилояти бўйича вице-президенти, профессор Саъдулла Жумаев академия Президентининг "Носирхон Тўрақуловга "Антик Дунё" халқаро илмий Академияси профессори даражасини бериш тўғрисида"ги қарорини ўқиб эшиттирди. Боғбонга илмий академия профессори дипломи, лауреатлик нишони ҳамда махсус кийим-бош – мантияси тантанали топширилди.

Усмонали НОРМАТОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЯРАТУВЧИЛАРИ САФИДАМИЗ

(Боши 1-саҳифада)

Шаҳрисабз тумани Ўзбекистон қишлоқ фуқаролар йиғини Келдиҳаёт қишлоғида яшовчи Очил Шоминовнинг касби қурувчи. Айни пайтда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни бунёд этишда иштирок этмоқда. Унинг хонадонида доимо сабзавот маҳсулотлари серроб. Рўзғордан ортгани бозорни ҳам обод қилмоқда. Бир йилда икки, уч марта ҳосил оладиган Очил ака томорқасидаги қарамни сотиб, энди унинг ўрнига бақлажон экяпти. Помидор, булғор қалампири тайёр бўлди. Ўн сотих ердан олинаётган даромад рўзғорга барака киритяпти.

Чиноз тумани Ёввош маҳалла фуқаролар йиғини раиси Қалмон Эргашев эса йил бошида яхши бир ташаббус билан чиққанди. У маҳалладошларига 5200 донадан зиёд шиша банка тарқатиб чиқди. Айни пишиқчилик пайтида меваларни консервалаш, уларнинг исрофгарчилигига йўл қўймаслик мақсадида қилинган бу ҳаракат ўзининг ижобий натижасини берди. Бугун ёввошликларнинг ҳар бир хонадонида 30-40 банкадан турли тузламалар, мева шарбати ва бошқа консерваланган маҳсулотлар бор. — Ҳисоблаб кўрсам маҳалламиз бўйича қарийб ўн тонна атрофида маҳсулотлар консерва қилинибди, — дейди Қалмон ака. Бу унинг ташаббуси самараси.

"Маҳалла" хайрия жамғармасининг Андижон вилояти бўлими вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда бир тажрибани амалга оширдилар. Яъни, қишлоқларда кам таъминланган оилаларга ҳомийлик асосида 20 тадан товуқ олиб берилди. Бунинг натижасида оила даромади ўсиши, тухум ва парҳезбоп маҳсулотлар кўпайишига имконият яратилди.

Эътибор қаратилган бу жиҳатнинг аҳамиятли томони шундаки, аҳолининг озиқ-овқатга бўлган талабини янада тўлароқ қондириш, турмушини яхшилашни мақсад қилган ташаббуслар доимо қўллаб-қувватлаб келинмоқда.

Инқирозга қарши чоралар дастурида эътибор қаратилган муҳим жиҳатлардан бири ҳам айнан ички имкониятлардан самарали фойдаланиш эвазига озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш эди. Бу жараёнда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори дастуриламал вазифасини ўтаётир.

Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида долзарб вазифаларни белгилаб берар экан, биз мазкур дастурни амалга ошириш вазифасини ўз олдимизга мақсад қилиб қўяр эканмиз, бу билан аҳоли бандлигини таъминлаш, шу тариқа одамлар даромадини ошириш ва турмуш даражасини юксалтириш масалаларини ҳал этишни кўзда тутамиз, дея алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Бандликни таъминлашда эса томорқанинг алоҳида аҳамияти бор.

Вазирлар Маҳкамасининг республикада сабзавот, полиз, картошка, мева ва узум етиштиришни 30 фоизга кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички бозорни тўлдириш ва нархнавони пасайтиришга бағишланган йиғилишидан сўнг айнан томорқадан самарали фойдаланиш борасида ҳам кенг ташаббус қулоч ёзди. Жойларда аҳолига ҳокимликлар, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, Агросаноат мажмуи касаба уюшмалари, "Камолот" ЁИҲ томонидан мурожаатлар эълон қилинди. Кенг кўламли тарғибот, тушунтириш ишлари йўлга қўйилди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида уруғлик, минерал ўғитлар етказиб бериш шохобчалари ташкил қилинди.

Ана шу жараёнда Сирдарё вилояти тажрибасига эътибор қаратиб ўтамиз. Ташаббус қулоч ёза бошлаган кезларда "Маҳалла" хайрия жамғармасининг Сирдарё вилояти бўлими қошида Томорқачилар уюшмаси ташкил қилинди. Вилоят "Маҳалла" хайрия жамғармаси ва ўн битта ҚФЙ таъсисчилигида ташкил этилган ушбу уюшма томонидан томорқалар ҳолати, фойдаланувчиларнинг хоҳиш-истаклари мониторинг қилинди. Шунингдек, тижорат банклари билан ҳамкорликда мева-сабзавот уруғлари келтириш борасида ҳаракатлар амалга оширилди. Банкдан олинган 100 миллион сўм кредитга картошка уруғи келтирилди. Дастлабки иш жараёнида фермерлар билан ҳамкорлик ришталари боғланди. Энг муҳими шуки, дала четлари, томорқаларга экилган картошкалар республикамизнинг жанубий минтақалари билан деярли бир вақтда тайёр бўлди. Даромади ошган фермерлар, томорқачиларнинг маҳалла-қўйга нафи тегади. Уларнинг саховати билан маҳалла янада обод бўлади.

Демакки, турмушимиз фаровонлигини оширишда омил бўлиб хизмат қиладиган томорқага — деҳқон хўжалигига алоҳида эътибор қаратилишининг туб моҳияти ҳам ана шулардандир. Томорқа эгалари, уларнинг ташаббуслари, изланиш ва имкониятлари ҳақида сўз кетар экан, уларни янада қўллаб-қувватлашда маҳалланинг, унинг фаолларининг ўзига хос ўрни бор. Маҳалла қадриятлар бешиги бўлиш баробарида янгиликлар, ташаббуслар мададкори ва айни пайтда ижодкори сифатида изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Долзарб вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Маҳалла" хайрия жамғармалари ҳамда фуқаролар йиғинлари томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, барча фуқаролар йиғинларида томорқа борасида махсус ҳисоб-китоб дафтари юритилмоқда. Жойларда ташкил этилган фидойи гуруҳлар томонидан томорқалардан самарали фойдаланиш юзасидан тушунтириш ишлари, агротехник тадбирларни ўтказиш борасида тавсияларнинг мунтазамлигига эришилмоқда.

Томорқа эгаларига, деҳқон хўжаликларига мададкор бўлиш – уларни уруғлик, қўчат билан таъминлаш мақсадида истиқболли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди. "Агробанк" ОАТБ молиявий кўмагида уруғлик, қўчатлар тарқатилди. Энг муҳими, 66 мингдан зиёд кам таъминланган оилага ҳомийлар ҳисобидан 192 миллион сўмлик уруғлик ва қўчатлар бепул тарқатилди. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, жойларда етиштирилган ҳосил мониторинги ишлари ташкил этилиб, фуқаролар йиғинлари орқали туман Статистика бўлимларига ҳисоботлар тақдим этиб борилмоқда.

Меҳнат бўйи тарбияланган фарзанд комил инсон бўлиб вояга етади. Бўш вақтини самарали сарфлашни ўргатади. Маҳалладаги миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш, айнан маҳалланинг маънавий муҳитига салбий таъсир этадиган турли иллатларнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини тушунтириш мақсадида ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарғибот ишларида, томорқадан самарали фойдаланиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугун элу юртга камарбаста бўлишни истайдиган, энг муҳими, ана шунга интиладиган ёшлар кўпчиликни ташкил этади. Зеро, ютуғимиз, эришаётган натижаларимиз омили айнан шундай эзгу ишларда мужассамдир. Бу эса янада олга боришга, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларни изчил давом эттиришга даъват этмоқда.

Анвар АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамғармаси республика бошқаруви раиси, сенатор.

МАНГУ ИФТИХОР МАНБАИ

(Боши 1-саҳифада)

Гуллаган водий узра қуёшнинг заррин нур сочиб тургани серқуёш заминимиз, нурафшон ўлкамиз ифодасидир. Пурвиқор тоғлар оралаб оқаётган дарёлар элимиз кўзлаган марраларнинг сарбаландлиги, халқимизнинг ризқ-рўзи бутунлиги далолатидир. Гербнинг юқори қисмида саккизбурчак ичида мовий осмондаги ярим ой ва юлдуз акс этган. Бу миллий анъана ва қадриятларимизнинг боқийлиги, маънавиятимиз юксаклиги, ирода ва эътиқодимиз мустаҳкамлигига ишорадир.

Чамбар ичида чаноқлари очилган ғўза шохлари ҳамда буғдой бошоқлари тасвирланган. Пахта ва ғалла фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўлчилик манбаи ҳисобланади. Қолаверса, бу қадимдан она заминимизда деҳқончилик маданияти тараққий этгани, мамлакатимизнинг бугунги салоҳиятини ўзида ифодалайди.

Гербимиз марказида саодат, эрксеверлик, ҳиммат, олижаноблик тимсоли бўлган афсонавий Ҳумо қушининг қанотларини ёзиб парвозга шайланиб тургани тасвирланган. Давлатимиз гербининг пастки қисмида, байроғимизни ифодаловчи чамбар банди бўйлаб, "Ўзбекистон" сўзи ёзилган. Чамбарнинг ўнг ва чап ярим доиралари ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги рамзи сифатида ўзаро уйғунлашган. Чамбар ва ярим доиралар ўзаро ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги рамзи сифатида ўзаро уйғунлашган. Чамбар ва ярим доиралар ўзаро ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги рамзи сифатида ўзаро уйғунлашган.

Барча давлат рамзларимиз қатори герб ҳам халқимизнинг шаъну шавкати, ғурури, ор-номуси, тарихий хотираси ва орзу-умидларини ўзида мужассам этган. У олий саодат – истиқлолимиз рамзи, ўзини шу юрт фарзанди деб билган ҳар бир инсон учун чексиз фахру ифтихор манбаидир.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонунда мамлакатимиз фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган ўзга шахслар давлатимиз гербини ҳурмат қилишлари шарт экани белгилаб қўйилган.

Зеро, Ватан тимсоллари миллий ғуруримизни юксалтиришга, она диёримизга бўлган муҳаббат ва садоқатимизни кучайтиришга, келажагимизга ишончимизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олим ТЎРАҚУЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастурининг амалга оширилишига қаратилган қуйидаги мавзулардаги лойиҳалари кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

– ёшларни, аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини, хусусан қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароитлар яратиш;

– хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, айрим туманларда ва қишлоқ жойларда уларни касбга ўқитиш ишларини яхшилаш;

– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, зарарли таъсирлардан, ташқаридан кириб келувчи паст савиядаги турли «оммавий маданият» таҳдидлари ва таъсирларидан асраб қолишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори – 10 млн. сўм.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2010 йил 30 июль соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар қузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

ГРАНТ ОЛИШ УЧУН ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикасининг нодавлат нотижорат ташкилотларидан ва фуқаролик жамияти бошқа институтларидан ижтимоий аҳамиятга молик вазифаларни рўёбга чиқаришга қаратилган, қуйидаги мавзулардаги лойиҳалар кўриб чиқиш учун қабул қилинади:

– аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш, сув объектлари ва ҳаво муҳитининг ифлосланиши даражасини камайтириш;

– ногиронлар таълими ва уларни тарбиялаш учун қулай шароитлар яратиш, улар жамиятлари ва уюшмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Битта лойиҳа бўйича ажратиладиган энг катта грант миқдори – 8 млн. сўм.

Ҳужжатлар ушбу эълон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади. Ҳужжатлар 2010 йил 30 июль соат 16-00 га қадар қабул қилинади.

Танловда давлат рўйхатига олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари иштирок этиши мумкин.

Танлов бўйича ҳужжатлар қузатувчи хат билан муҳрланган конвертда (А4 формат): "100035, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Бунёдкор кўч., 1-уй" манзилда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди номига (CD дискда электрон кўринишдаги нусхаси билан) юборилиши шарт.

Танловнинг республика ҳудудларидан иштирок этувчилари ҳужжатларни сканер қилинган раҳбар имзоси ва ташкилотнинг муҳри билан grant-10-ngo@inbox.ru электрон манзилга юборишлари мумкин. Барча матнли ҳужжатлар Times New Roman 14 шрифтида тайёрланиши керак.

Танловда иштирок этиш шартлари ва танлов ҳужжатлари намуналари билан Фонднинг қуйидаги расмий сайтида: www.fundngo.uz, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг Ижрочи девонида танишиш мумкин (тел.: 239-26-76, 239-84-42).

Ижро назорати

ислоҳотлар муваффақиятига замин бўлмоқда

Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида вилоят прокуратураси органлари томонидан мунтазам назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Фаолиятимизда асосий эътиборни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонидаги вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажаришга қаратмоқдамиз.

Жорий йилнинг беш ойида қишлоқ хўжалигига доир қонунлар ижроси юзасидан 99 та текширишлар ўтказилиб, натижасига кўра қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш учун 205 та тақдимнома киритилди. Мансабдор шахслардан 337 нафари келгусида қонун бузмаслик хусусида расман огоҳлантирилди, 397 нафари интизомий, 1158 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди. 56 нафар шахсга нисбатан моддий жавобгарликка оид иш қўзғатилди.

Қонунга зид 116 та ҳужжатларга нисбатан протестлар киритилди. Кўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 26 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Қонунийликни ва прокурор назорати самарадорлигини таъминлаш мақсадида вилоят прокуратурасида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалий семинарлар ўтказиш учун ноналар ташкил қилиниб, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда барча агротехника тадбирларини сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилиши ва келгусида қонунбузилишларга йўл қўймаслик юзасидан доимий ўқув машғулотлари ўтказилиши йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда сувдан фойдаланишга доир бошқа қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашда прокурор назоратини ташкил этиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Сув тириклик манбаи ҳисобланган неъматлардан бири. Шундай экан, уни исроф этишга йўл қўймаслик, сарфлаётганда ҳисоб-китобини пухта режалаштириш лозим. Прокуратура органларининг бевосита аралашуви билан вилоят бўйича 1411 та гидропост таъмирланди, 1990 та гидропост янгидан қурилди. 143 километр масофадаги зовур ва сув тармоқлари тозаланди. Насос станцияларига ноқонуний уланган 93 та тармоқлар ажратилди. Бундан ташқари 8 та насос станцияси, 27 та насос агрегатлари, 14 та суғориш қудуқлари таъмирланди. Биргина 825 гектар нотекис майдонларни текислаш чоралари кўрилиши натижасида 660 куб метр сув исрофгарчилигининг олди олинди.

Табиий ресурслар ичида ер алоҳида, ўзига хос ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, ундан оқилона, тўғри фойдаланишни ташкил этиш, айниқса, ернинг унумдор қатлами бўлган тупроқ муҳофазасини таъминлаш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ерлардан самарали фойдаланмаслик, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўйилаётгани ҳам ташвишли ҳолатдир. Жорий йилнинг беш ойида 632,6 гектардан ортиқ экин майдонидан ноқонуний ва мақсадсиз фойдаланилаётгани аниқланди. Вилоят прокуратураси органларининг ишчи гуруҳлари томонидан ўтказилган назорат тадбирларида 2010 йил ҳосили учун пахта экилиши лозим бўлган ер майдонларига ўзбошимчалик билан бошқа экин экиб олиш, бюджетдан ажратилган имтиёзли кредит маблағларини бошқа мақсадларда ишлатиб, талон-торож қилиш каби кўпол қонунбузилишларга йўл қўйилгани аниқланди.

Мингбулоқ туманидаги "Наврўз" фермер хўжалиги раҳбари О.Қорабоев мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, чигит экилиши лозим бўлган 18,6 гектар майдоннинг 5,4 гектарига полиз экини экиб олган. Яна 3,5 гектар майдонни бошқа экин экишга тайёрлаб, жами 8,9 гектар майдонга чигит экмаган. Давлат манфаатларига 10,8 миллион сўм зарар етказган. Ундан ташқари 4,1 миллион сўм имтиёзли кредит маблағларини бошқа мақсадда ишлатиб, талон-торож қилган. Фермер хўжалиги раҳбари О.Қорабоевга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми "а", "г" бандлари ва 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Уйчи туманидаги Б.Йўлдошев раҳбарлигидаги "Охунбобоев омад", М.Тўрабоева раҳбарлигидаги "Матлуба фарзандлари Шокир ва Собир", Х.Бадалов раҳбарлигидаги "Саид Аҳмад бахт", Ё.Қосимова раҳбарлигидаги "Камола Мирзоҳид" фермер хўжаликларида ҳам мақсадсиз бошқа экинлар экиб олинган.

Шунингдек, Мингбулоқ туманидаги "Хуршидали Турсунов", "Жаннат замини", "Бегзод Анвар-жонович" фермер хўжаликларида ҳам чигит экилиши лозим бўлган бир қисм майдонларга бошқа экинлар экиб олинганлиги аниқланди.

Текшириш якунларига кўра юқорида номлари қайд этилган фермер хўжаликлари раҳбарлари маъмурий жавобгарликка тортилди. Ноқонуний сабзавот ва полиз экинлари экилган майдонлар буздирилиб, режадаги чигит экилиши таъминланди.

Айрим масъул мансабдорлар мелиорация тадбирларини бажариш учун ажратилган мулкларни талон-торож этганлиги ҳам кўнгилсиз ҳолдир. Чортоқ туманидаги Саркор булоқ сув СФУ раиси С.Шоданов уюшма балансидаги 750 метр трубаларни ҳеч қандай ҳужжатларсиз фуқаро К.Ҳожибоевга бериб юбориб, 6,7 миллион сўмлик уюшма мулкини растрата қилиш йўли билан талон-торож этган. Айбдор шахсларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилиб, суд ҳукми билан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Тўрақўрғон туманидаги "Обод Намуна Диёри" ММТП ер ҳисобчиси Г.Ҳамидов "Биллур толаси" фермер хўжалигининг розилигини олмасдан чигит экилиши лозим бўлган 8,91 гектар ер майдонини 119 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун бериб юборган. Г.Ҳамидов ҳам суд ҳукми билан жиноий қилмишига яраша жазо олди.

Учқўрғонлик бир гуруҳ мансабдорлар уй-жой қуриш учун ер жой ажратишнинг "антиқа" усулини топишади. "Бахт Маш сервис" ММТПнинг масъул мансабдор шахслари туманидаги 14 та фермер хўжаликларининг пахта ва ғалла экин майдонларидан фуқароларга якка тартибда уй-жой қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг сохта қарорини тайёрлашиб, 4,82 гектар ер майдонларини 61 нафар фуқарога уй-жой қуриш учун ажратиб беришади. Бу жиноят оқибатида фермер хўжаликларининг манфаатларига зарар етказилишига сабабчи бўлганлар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилди.

Косонсой туманидаги "Косонсой боғбонлари агросаноати" агрофирмаси раиси М.Қаюмов ҳам мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, агрофирмага қарашли марказий гараж ҳудудидан 10 нафар танишларига ҳеч қандай ҳужжатларсиз 7 миллион 200 минг сўм нақд пул эвазига ер майдонлари ажратиб беради. У ҳам суд ҳукми билан жиноий жазога тортилди.

Уйчи туманидаги "Шерзод" фермер хўжалиги собиқ раҳбари И.Абдуллаев мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, эҳтиёт қисмлар сотиб олиш мақсадида банкдан берилган 6 миллион сўм маблағни бошқа мақсадларда сарфлаб талон-торож қилган. Устигаустак, кредит олиш учун кафолат сифатида гаровга қўйилган ҳайдов тракторини сотиб юборади. Бу ҳолат бўйича ҳам айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъмин этилди.

Чорвачиликни ривожлантириш, қорамоллар бош сонини ва маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш долзарб масалалардан биридир. Чорвачилик соҳасида жорий йилнинг беш ойида 6 та текширишлар ўтказилиб, 131 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган.

Уйчи туманидаги "Раҳматилло" фермер хўжалиги раҳбари Р.Ҳожимирзаев хўжалик тасарруфидаги қорамолларни сотишдан тушган 27,7 миллион сўм нақд пул маблағларини банк муассасасига топширмасдан бошқа мақсадларга сарфлаб юборади. Р.Холмирзаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъмин этилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан қонунчилик ижроси бўйича назорат тадбирлари сифат ва самарадорлигини янада ошириш, албатта, агросаноат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ривожланиши учун хизмат қилади.

Камолиддин ПАРПИЕВ,
Наманган вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи,
1-даражали юрист.

Яхшилар ёди

Ҳар бир инсон бу ёруғ дунёда яшаб ўтар экан, ундан турли хотиралар қолади. Бу унинг тириклик пайтида амалга оширган ишлари – қурдирган бинолари, яратган боғлари, тарбиялаган шогирдларию ҳикматли сўзлари...

Деҳқончиликда билими устувор эди

Ғайрат ака Машарипов ўз умри ва меҳнат фаолияти давомида бир инсон эл-юрт учун қилиши мумкин бўлган ишларни амалга оширди, инсоний фазилатларини намоён қилди, десак ҳақиқатни айтган бўламиз.

Москвадаги Қишлоқ хўжалик академиясини муваффақиятли тугаллаган Ғ. Машарипов Хоразм вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармасида агроном вазифасида меҳнат фаолиятини бошлаганди. Шу даврда мамлакат қишлоқ хўжалигида янги технологиялар жорий қилинаётган бўлиб, бу мутахассислар зиммасига катта масъулиятлар юкларди. Худди шу жараённарда унинг етук мутахассис эканлиги яққол кўзга ташланди. Сал вақт ўтгач, Пахтачилик институтининг Хоразм вилояти бўлимига директор этиб тайинлангач, ташкилотчилик жиҳатлари намоён бўлди. Илмий иш билан ҳам шуғулланиб, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди бўлди. Ғайрат Машарипов воҳанинг тупроқ-иқлим шароитини, пахтачиликнинг ипидан игнасигача билар, техникани тушунишига, ҳатто шу соҳанинг билимдон мутахассислари ҳам тан беришарди.

Асрлар давомида воҳани обиҳаёт билан таъминлаб келаётган Амударё гоҳ ўзанидан тошиб, гоҳо етарлича сув бермай қўярди. Шу сабаб дарё сувини маълум тартибга солиш, яъни жиловлаш масаласи кун тартибига қўйилди. Ана шундай мураккаб вақтда Ғ. Машарипов сингари билимдон мутахассислар ва ташкилотчилар давр синовидан ўтишди. Шунинг учун ҳам у пойтахтдаги масъул вазифага лойиқ кўрилганди.

Бу жонкуяр инсон вилоятнинг энг катта тумани — Гурландa масъул лавозимларда ишлаган пайтлари қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари жадал ривожланди. Туманда пахтачилик, дончилик, қорақўлчилик, боғдорчилик, узумчиликнинг ривож топиши Ғайрат аканинг тиниб-тинчимаслиги, деҳқончиликни илмий изга кўчиргани натижасидир. У миришкор деҳқонларнинг кўнглини топар, ҳеч кимни ранжитмасликка интиларди. Юксак маданиятлилик, киши шахсини ҳурмат қилиш у кишига хос фазилатлардан эди.

У билан бирга ишлаган соҳа фидойиларининг қуйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам буни тасдиқлайди:

Эгамберди Ҳакимов — техника фанлари номзоди, меҳнат фахрийси: — У кадрларни танлашга алоҳида эътибор берарди. Ҳар бир топширилган вазифани чуқур ҳис этадиган, ишнинг кўзини биладиган одамларни топарди, энг масъул вазифаларга қўярди. Хусусан, Гурландаги семинарлардан бирида Жумабой Ўтамов тилга тушди. У устахона мудири эди. Бош инженерликка маъқул кўришди. Сўнгра туманнинг барча техникаси тақдирини ишониб топширишди. Янглишмади — Ж. Ўтамов вилоят ва республика миқёсида юқори вазифаларда сидқидилдан ишлаб келмоқда.

Юсуфбой Худойберганов — қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди: — Ғайрат ака хўжалигимизга тез-тез келарди, тажриба участкасида синалаётган янги пахта навини ўта талабчанлик билан кузатиб борди. Ёнларида юриб, фикр-мулоҳазаларимни айтардим. Баъзида деҳқончиликнинг нозик масалалари хусусида баҳслашиб ҳам қолардик. Деҳқончилик илмига қизиқишимни англаб, аспирантурада ўқиш ва илмий иш қилишга тавсия этди. Илмий иш мавзусини танлашда ҳам кўмаклашди. Сиртдан аспирантурада ўқиб, "Шўрланган Хоразм тупроғи шароитида ғўзани азотли, фосфорли, калийли ўғитлар билан озиқлантириш муддати ва нисбати" мавзусида номзодлик ишини муваффақиятли ёқладим.

Самандар Сафоев — Боғот туманидаги "Барчин" фермер хўжалиги раҳбари: — Узоқ йиллар давомида бирга ишлаганмиз. Учрашувларимизнинг бирида Ғайрат акадан алмашлаб экиш ҳақида маслаҳат сўрадим. Маккажўхори экишни тавсия этдилар. Айтдиларки, Грузияда "Папалашвили-I" деган ҳосилдор маккажўхори нави яратилибди. Ҳар тупда беш-олти ва ҳатто ўн сўта қилар экан. Кейинги гал учрашганимизда шу ҳақда илмий мақола чиққан журнални келтириб, эринмасдан ўқиб бердилар. Ғайрат аканинг маслаҳатлари билан бир мутахассисни Грузияга юбордик. У бор-йўғи беш кило уруғ келтирди. Ана шу уруғни олтмиш сантиметр ораликда сеялка билан ярим гектар майдонга экдик. Ғайрат аканинг тавсияси билан ҳар тўқсон сантиметр ораликда бир туп маккажўхори қолдирилди. Янги нав шу қадар ҳосил бердики, аслида еримизга мос эканми — баъзи тупларда 15-20 сўта қилди. Буни эшитиб, вилоятнинг кўп жойларидан мутахассислар келиб кўришди.

Унинг ташкилотчилик қобилияти Истиқлол даврида янада яққол намоён бўлди. Ғайрат Машарипов Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг Хоразм вилояти қўмитасига раҳбарлик қилди. Шу даврда мамлакат парламенти депутатлигига сайланди. Ўзининг барча билими, куч-ғайрати ва тажрибасини Мустақилликни мустаҳкамлашга бахшида этди. У шундай инсон сифатида эл-юрт ёдида қолди.

Холмурод ҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах вилояти

Анжуман

ЛАЛМИДА БОҒЛАР КЎПАЯДИ

Жиззах вилоятининг Фориш туманида "Лалми боғдорчилик маркази" ташкил этилишидан шундай мақсад кўзланган

Форишлик чўпон-чўлиқлар қир-адирлар ва тоғ ёнбағирларида ўсувчи ёввойи писта, бодом, наъматак, оқ дўлана, қизил дўлана сингари дарахтлар, буталар меваларидан қадимдан турли мақсадларда фойдаланиб келадилар. Масалан, қўй ортидан кезиб юриб чучук мағизли ёввойи писта меваси эрмакка чақиб истеъмол қилишса, аччиқ мағизли меваларни йиғиб, мой ажратиб олишади, ошқозон, ичак хасталикларини, турли яра ва шишларни даволашда қўллашади. Наъматак меваси билан ошқозон яраси, ўт-жигар яллиғланиши ва асаб нотинчлиги касалликларини даволашади. Дўлана ҳам шу каби баъзи хасталикларга даъво бўлиши билан бирга турли витаминларга бой лаззатли мевадир. Бундан ташқари, бу дарахт ва буталар ўз атрофида чорва моллари учун озиқа бўладиган кўплаб емишбоп ўт-ўланлар сақлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Энди туман аҳолисининг бу каби имкониятлари янада кўпаядиган бўлди. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда туманнинг "Норвон" агрохизмат маркази ҳудудидаги "СБМ Муҳаммадамин" фермер хўжалиги қошида "Лалми боғдорчилик маркази" ташкил этди. Унинг очилишига бағишланган республика илмий-амалий семинар-тренинги эса ана шу фермер хўжалиги жамоаси томонидан барпо этилган пистазор ва "Баркамол авлод боғи"да ўтказилди. Унда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари, Жиззах вилояти ва туманлари ҳокимликлари раҳбар-мутахассислари, бир неча хорижий компаниялар вакиллари, соҳага алоқадор идоралар ходимлари, Навоий, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари лалми ҳудудларида фаолият кўрсатаётган 80 дан ортиқ фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этдилар.

— Марказимиз илмий-амалий деб аталишининг боиси бор, — дея гап бошлади семинар-тренингни очган Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Тўхтамурод Бозоров. — Негаки, биз бу ерда лалми ерларда боғлар яратишга оид ўқувлар, амалий машғулотлар ташкил этамиз, шу йўналиш иштиёқмандлари ва олимлар билан бирга турли тавсиялар ишлаб чиқамиз. Бунинг учун ўқув биноси қуряпмиз, фермер хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаяпмиз. Жумладан, Япония элчихонасининг беғараз гранти асосида кўпгина боғдорчилик ва деҳқончилик техникалари, қатор ораларига ишлов берадиган асбоб-ускуналар, мосламалар келтирдик. Марказимиз лалми ҳудудлардан самарали фойдаланишда хўжалик юритишнинг даврга мос, табиатга безарар усуллари ва инновацион ғояларни жорий этадиган ўзига хос маскан бўлади.

Бундай марказ биринчи бўлиб Фориш туманида ташкил этилишининг ҳам омиллари бор. Негаки, лалми ерлардаги боғдорчилик борасида туманда катта тажриба тўпланган. Форишликларнинг қадимдан лалми қир-адирларда, тоғ ёнбағирлари ва ҳатто, юксак тоғларда кўплаб токзорлар барпо этиб, жаҳонга машҳур ширин-шарбат, шифобахш узум ва майизлар етиштираётганини кўпчилик билади. Қораобдол қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Давланбоғ ўн турдан зиёд олма, кўп хил ўрик, олча ва бошқа мевалари, майизбоп ҳамда хўраки узумлари билан бир пайтлар жуда машҳур бўлганидан ҳам хабардорсиз. Бу боғ қарийб 30 йилдан буён ҳамон одамларга саломатлик бахш этиб, яшнаб турибди, адирлар тупроғини емирилишдан ҳимоя қилиб келяпти. Нурота тизмасининг Норвон қишлоғи ҳудуди дараларида ҳайратомуз мевазор чорбоғлар, щовуллаган теракзорлар яшнаб турибди.



«СБМ Муҳаммадамин» фермер хўжалигида қуёш ва шамол энергияларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Шу яқин атрофдаги Гараша токзорлари, Илонли ва Каттасой дўланазорлари, кўплаб мевазор боғлар лалми боғдорчиликнинг истиқболи порлоқ, имкониятлари чексизлигини кўрсатади. Мана шу имкониятлардан бирига ҳозир барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Бу — Чорбоқсой адирларида қарийб 30 гектар майдонда бултурдан бошлаб яшнабқўкариб турган ушбу ҳандон пистазор ва у билан ёнма-ён гуркираб ўсаётган "Баркамол авлод боғи"дир.

— Давлатимиз томонидан лалми ерларда ғалла ва мойли экинлар етиштиришни кўпайтириш билан бирга қурғоқчиликка чидамли пистазор, бодомзор, доривор наъматакзорлар ва шу каби бошқа боғ-роғлар барпо этиш учун ҳам барча имкониятлар яратиб берилган, — дейди Ғаллаорол туманидаги "Оқтош" тажриба-таянч пункти ва "Аламли" фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Каримов. — Биз бундан оқилона фойдаланишимиз, ташаббус кўрсатиб ишлашимиз керак. Хусусан, фермер хўжалигимиз жамоаси шунга ҳаракат қилиб, 30 гектардан зиёд майдонда хандон писта ўстиришяпти. Шундан 5 гектардан зиёдроғи аллақачон ҳосилга кириб, даромад келтирмоқда. Тўрт гектар майдонда боғ ва токзоримиз ҳам бор. Бинобарин, хўжалигимиз аъзоларининг лалми боғдорчилик борасида тажрибалари етарли. Шу боис, хандон писта кўчатлари етказиб бериш, уларни парваришлаш борасида амалий ёрдамлар кўрсата оламиз.

Қарийб 40 йилдан буён лалми майдонларда пистачиликни ташкил этиш сир-асрори билан шуғулланиб келаётган таниқли олима Галина Чернова пистанинг ниҳоятда фойдали, сердаромад (килоси 25-30 минг сўм), қурғоқчиликка чидамли дарахт эканини қайта-қайта таъкидлар экан, унинг мағзида 60 фоизгача мой, кўп миқдорда оқсил ва бошқа фойдали моддалар борлиги туфайли нафақат ҳар бир лалмикор фермер хўжалиги даласида, балки шу ҳудудларда яшовчи ҳар бир фуқаро томорқасида лоақал 3-4 тупгина писта дарахти ўстиришини тавсия этди.

Семинар-тренинг иштирокчилари наздида қарийб 10 минг туп писта кўчатлари баравж ривожланаётган, уватларида 3 минг тупдан зиёд наъматак барқ уриб турган боғ сирли мўъжизага ўхшарди.

Анжуман қатнашчилари лалми ерларда пистазор, наъматакзор, дўланазор боғлар билан бир қаторда кўплаб ёнғоқзор, токзор, ҳатто, қайиндзору арчазорлар яратиш бўйича ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар айтдилар. Ҳатто, тоғусти боғлари бунёд этиб, уларда шифобахш оқўт, андиз, тоғ пиёзи каби ўсимликларни кўпайтиришга оид амалий таклифлар билдиришди. Марказ тақдимоти иштирокчилари лалми ерларимиз ниҳоятда кенг, улардан фойдаланиш имкониятларимиз ҳам ғоят катта эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Хабарлар

Қорақалпоғистон Республикаси

"ТАХИАТОШДОН"НИНГ ТОТЛИ НЕЪМАТЛАРИ

Оролбўйи ҳудудидаги "Тахиатошдон" ҳиссадорлик жамияти томонидан очилган новвойхона аҳолига яна бир қулайлик туғдирди.

Корхона қошидаги махсус бинода имтиёзли кредит ҳисобига Германиядан келтирилган асбоб-анжомлар ёрдамида кунига 3 минг дона 3 хил ҳажмдаги нонлар тайёрланмоқда. Энг муҳими, бу ерда 16 нафар йигит-қиз иш билан таъминланди. Мазали нон ва нон маҳсулотлари корхона қошидаги махсус дўконга, Тахиатош ва Хўжайли шаҳарларидаги деҳқон бозорларига сотиш учун етказиб берилмоқда.

Тахиатошлик новвойлар яқин кунларда маҳсулот турини яна 4 тага кўпайтириб, Нукус шаҳридаги марказий бозорда ҳам савдо нуқтаси очишни режалаштирмоқда.

Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ

Сурхондарё Вилояти

УЙЛАР – ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИГА ТАЙЁР

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, йилдан-йилга гўзаллашиб бораётир.

Сурхондарёда ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йили Термиз туманидаги Паррандачилик маҳалласининг Лимонзор қишлоғида қишлоқ аҳолиси учун 20 та якка тартибдаги замонавий уй-жой қурилиши бошланган эди. Қисқа вақт ичида бир неча пудратчи ташкилот томонидан 5 та 5 хонали, 5 та 4 хонали, 10 та 3 хонали шинам уй-жойлар барпо этилди. Ҳовли ва атрофи гиштли деворлар билан ўралган янги уй-жойлар барча қулайликларга эга.

Халқимизда янги иморат қурган ёки янги уйга кўчиб ўтган оилада, албатта, ҳовли тўйларини ўтказиш удуми бор. Термиз туманидаги замонавий уйларда сўнгги пардозлаш ва ободончилик ишлари ниҳоясига етяпти. Демак, эрта-индин янги уйларга кўчиб кирадиган хонадонларда Мустақиллигимизнинг 19 йиллик шодиёналари ҳовли тўйларига уланиб кетса, ажаб эмас.

Усмонали НОРМАТОВ

Наманган Вилояти

КОНВЕЙЕРДА – ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Нефть ва газ саноати, сув қурилмалари учун турли ўлчам ва русумдаги задвижкалар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Наманганмаш" ҳиссадорлик жамияти барқарор ривожланаётган корхоналар сирасига киради.

— Корхонамизда ихтирочилик лойиҳалари асосида янги турдаги юқори босимли задвижка тайёрлаш йўлга қўйилди, — дейди "Наманганмаш" корхонаси режа-иқтисод бўлими бошлиғи Латифжон Жалилов. — Нефть маҳсулотлари, сув ва буғ тармоқларида қўлланиладиган бу мураккаб технологик қурилма учун ҳозирданоқ йигирма миллион сўмлик буюртма тушди.

Корхонада жорий йилнинг ўтган беш ойида 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан 18 фоиз кўп маҳсулот тайёрланди. Янги лойиҳанинг амалиётга татбиқ этилиши билан йигирмага яқин қўшимча иш ўрни яратилди.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири.

Давлат-тижорат Халқ банки

манфаатли "Соврин плюс капитал" ютуқли омонатини таклиф этади.

Омонатга маблағлар 1 йил муддатга йиллик 14 % миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Шунингдек, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра, омонатчилар 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишлари мумкин.

Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Хизматлар лицензияланган

Қўшимча маълумотларни (+99871) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Миллий ҳунармандчилик

БАРДАВОМ АНЪАНАЛАР

Ўймакорлик санъати ёшлар қобилияти билан янада такомиллашмоқда

Халқимиз меъморчилик санъатида ёғоч ўймакорлиги алоҳида ўрин тутади. Хусусан, бежирим, нақшинкор устунлар, эшик ва дарвозалар мана шу ҳунар соҳибларининг машаққатли меҳнатлари туфайли бетакрор кўриниш касб этган. Асрлар оша такомиллашиб борган ўймакорлик санъати намуналари ошуфта қалбларни ҳамон ҳайратга солади.

Хўш, бугун махсус қурилмалар ёрдамида ёғочга нақш тушириш имкони мавжуд бўлган бир пайтда бунёдкорлик соҳасида ушбу ҳунарга қанчалик эҳтиёж бор? Турли пластик қурилиш буюмлари ишлаб чиқарилаётгани ва уларнинг турмушимизга кенг кириб бораётгани ўймакорлик ҳунарига эътиборни сусайтириб юбормаяптими?

— Ёғоч ўймакорлиги санъати кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас, — дейди кўп йиллардан бери ўймакорлик бўйича янгидан-янги лойиҳалар устида изланишлар олиб бораётган моҳир уста, "Халқ таълими фидойиси" Эргаш Алиев. — Узоқ ўтмишга эга бўлган ушбу ҳунар миллий меъморчилигимизнинг асосий "қон томирларидан" бирини ташкил қилади. Қолаверса, айни пайтда юртимиз бўйлаб минглаб ҳунармандлар алоҳида мактаб яратиб, нодир санъат турини келажак авлодларга янада сайқаллаштирган ҳолда етказиш устида меҳнат қилишмоқда. Жумладан, мен ҳам пойтахтимиздаги Ўқувчилар ижодиёт марказида бир неча йилдан бери ёшларга ҳунар сирларини ўргатишда баҳоли қудрат ҳиссамни қўшиб келяпман.

Дарҳақиқат, ёғоч ўймакорлиги ҳунарини ўрганишга ёшларда иштиёқ катта. Мисол учун Э.Алиев бошчилик қилаётган "Миллий ёғоч ўймакорлиги" тўгарагида ўнлаб ўсмирлар бу ҳунарнинг услубларини ўрганиш билан машғул. Уларнинг орасида ака-ука Мирёқуб ва Мирсаид Ғаниевлар ҳам бор. Эргаш устанинг айтишича, 13 ва 10 ёшли фарзандларидаги қобилиятни эрта аниқлаган ота-онаси уларни тўгаракка жалб этиб, хато қилишмаган. Чунки улар машғулотлар тугида қунт билан ўрганганларини амалиётда тез қўллай олишяпти. Айни пайтда болалар нақш композицияларини яратиш машқларини тугатиб, ёғочга ўйиб ишлов беришни бошлашган.

— Мен ҳунаримнинг бардавомлигини, миллий ёғоч ўймакорлик санъатининг келажагини мана шу ёшларда кўраман, — дейди уста ғурурланиб. — Улар мустақил равишда фаолият бошлаши учун муайян вақт устозлардан таълим олиши лозим. Ҳозир ёш усталарни "Ташаббус" кўрик-танловида иштирок этишга тайёрлаяпман.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

СПОРТ

Ўзбек муайтайчилари Осиёда биринчи

Тошкентда 26-29 июнь кунлари муайтай бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди.

Халқаро муайтай федерацияси, Осиё муайтай федерацияси, Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал муайтай ассоциацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатини ривожлантириш республика марказидан томонидан ўтказилган қитъа чемпионатида Ўзбекистон, Эрон, Ҳиндистон, Индонезия, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистон, Таиланд каби ўндан зиёд мамлакатдан икки юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун куч синашди.

"Ўзбекистон" спорт мажмуи мезбонлик қилган Осиё чемпионатида ўн нафар ҳамюртимиз рингга кўтарилди. Ҳаваскор муайтайчилар ўртасида Фирдавс Холмуродов, Ғулом Ҳалимов, Шерзод Саткинов, Жасур Мирзамуҳамедов Осиё чемпиони бўлди.

— Пойтахтимизда ташкил этилган нуфузли мусобақада ғолиб бўлганимдан хурсандман, — дейди Ж.Мирзамуҳамедов. — Тўққиз йилдан бери муайтай билан шуғулланаман. Ўз юртингда, минглаб муҳлислар нигоҳида ғалаба қозониш кишига алоҳида завқ бағишлайди.

Финалгача мағлубиятсиз етиб келган Санжар Юсупов, Аҳмад Мирзаев, Азиз Назаров, Артур Қодирқулов кумуш, Даврон Эшонхўжаев бронза медаль билан тақдирланди.

Таиландлик Бимпенг Пимпаенг, Тамчан Варают, Инудом Жирасук, қозоғистонлик Жонибек Саидваққосов, Нурбўлат Сенгиров ҳам чемпионатнинг олтин медаллари билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида тўрттадан олтин ва кумуш, битта бронза медаль жамғарган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биринчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, Осиё чемпионати доирасида профессионал муайтайчилар ўртасида ҳамюртимиз Мавлон Қаҳҳоров бразилиялик Игор Копиткани мағлубиятга учратиб, қитъалараро чемпионлик камарини қўлга киритди. Абдулла Худойбердиев эса афғонистонлик Али Акбар Ризоийни мағлубиятга учратди.

Теннисчиларимиз ғалабаси

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида давом этаётган "Фьючерс" туркумидаги халқаро турнирда ҳамюртимиз Мурод Иноятов дастлабки босқичдан муваффақиятли ўтди.

Биринчи учрашувда Хитой Тайпейи вакили Лянг Чи Хуангга қарши кортга чиққан Мурод Иноятов рақибини 6:4, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги даврада австриялик Ричард Рукелшаусанга қарши кортга чиқадиган бўлди.

Жуфтликлар баҳсида россиялик Илья Старков билан ҳамкорликда ўйнаётган М.Иноятов биринчи босқичда Жанубий Африка Республикаси вакиллари – Раян Роэлофс ҳамда Никола Шульцдан 7:6, 6:3 ҳисобида устун келди.

Лондонда (Буюк Британия) ўтказилаётган "Wimbledon – 2010" халқаро турнирининг ўсмирлар ўртасидаги беллашувларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган Нигина Абдураимова дастлабки босқичда россиялик Санта Шумилинани 6:2, 6:3 ҳисобида, кейинги учрашувда чехиялик Каролина Плискова устидан 6:2, 4:6, 6:3 ҳисобида зафар қучди.

Турнирнинг жуфтликлар баҳсида қатнашаётган яна бир истеъдодли спортчимиз Сабина Шарипова украиналик София Ковалец билан бирга таиландлик Луксика Кумхум ва индонезиялик Сари Исидора Габриэль жуфтлигидан 7:6, 3:6, 6:1 ҳисобида устун келди.

Чанқовбосди ичимликлар

Янтоқ – ҳарорат ҳоврини олади

Янтоқ ўсимлигини билмайдиганлар бўлмаса керак. У чўл, даштли минтақаларда, шунингдек, йўл ёқаларида, сайхон ерларда ўсади.

Ҳакиму ҳозиқ Абу Али ибн Сино янтоқнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамламани ҳароратни босувчи, терлатувчи, йўталга қарши, ичакни майинлаштирувчи ва маромга солувчи восита сифатида ишлатган. Халқ табобати амалиётида янтоқдан тайёрланган дамлама ичдан қон оқишини тўхтатиш, ичбурма, бавосил, жигар, меъда яраси ҳамда сафро ва пешоб ҳайдовчи, терлатувчи ва сурги дори сифатида қўлланилади.

Замонавий тиббиёт амалиётида янтоқли дамлама нафақат терлатувчи, чанқоқ қолдирувчи, ором бағишловчи восита бўлибгина қолмасдан, балки яллиғланишга қарши, бактериостатик (микробларга қирон келтирувчи) пешоб ва сафро ҳайдайдиган, жароҳатларнинг битишини тезлаштирадиган томонлари билан ҳам эътиборга моликдир.

Уй-хонадон шароитида янтоқли шифобахш ичимликни қуйидагича тайёрлаш мумкин. Майдаланган янтоқ ўтидан 2 чой қошиқ миқдорида термосга солиб, устидан қайнаб турган 200 грамм сув қуйиладида, 2 соат дамлаб қўйилади. Кейин сузиб олиниб, салқин жойда сақланади.

Маннон НАБИЕВ, доришунос олим.

Спорт маликалари

Шаҳризода Омонова Тўрақўрғон тумани бадиий гимнастика мактабининг умидли ёшларидан бири. У вилоят миқёсидаги бешинчи-еттинчи синф қизлари ўртасида ўтказилган "Умид ниҳоллари" спорт мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медаль билан тақдирланди.

— Бадиий гимнастика мактабимиз тарбияланувчилари орасида Шаҳризода сингари спортчи қизларимиз кўпчиликни ташкил этади. Гулнора Фазлиддинова, Маҳбуба Обидова, Ёдгора Омонова, Сабоҳат Собирова шулар қаторидан, — дейди мактаб директори ўринбосари Жамила Мирназарова. — Айни кунларда мактабимиз тарбияланувчилари сони 248 нафарга етди. Шаҳзода Қаҳҳорова, Шарофат Ҳасанова, Нозима Усмоналиева каби тўққиз нафар бадиий гимнастика қирраларини ўргатмоқда.

Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОР ЭҲТИЁТ ҚИСМЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Таклифлар эҳтиёт қисмларнинг номлари бўйича алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига "Дизель-генератор эҳтиёт қисмларини харид қилиш бўйича танловга" сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт.

Танлов бўйича таклифлар эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун муддатда қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасига Тошкент шаҳар Ўзбекистон шоҳ кўчаси 3-уй манзили бўйича мурожаат қилиш мумкин.

Телефон: 120-76-00, ички 34-53, 26-11.

Тошкент ш. Қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2001 й. Таджиев Собиржон Махамаджонович номига берилган КНТ № 258409 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Чилонзор т. рўйхатга олинган "IDEAS DEVELOPING BUSINESS" МЧЖга Тошкент ш. Чилонзор т. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида берилган гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. Тел.: 370-10-20.

Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимлиги томонидан 7.04.2010 й. рўйхатдан ўтган "E AND D CONSULTING GROUP" (ИНН 301569951) МЧЖга тегишли думалоқ мухр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гувохнома № 003005-03 от 28.01.2008 г. ООО "TITAN BIZNES" (ИНН 202982140), расположенное по адресу: г.Ташкент Мирабадский р-н ул.Монтабиб д.7, считать недействительным.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРГА ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот-1-1. Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 20-сонли мактабга 9х18 метр ўлчамдаги спорт зал қурилиши. Бошланғич нархи ҚҚСсиз – 177 070 106 сўм; ҚҚС билан – 212 484 127 сўм. Топшириш муддати – 31 август 2010 йил.

Лот-1-2. Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 18-сонли мактабга 12х24 метр ўлчамдаги спорт зал қурилиши. Бошланғич нархи ҚҚСсиз – 220 813 904 сўм; ҚҚС билан – 264 976 685 сўм. Топшириш муддати – 31 август 2010 йил.

Қурилиш ишлари: Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳ кўчаси 17-уй. Тел.: 233-89-95.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида иштирок этаётган маҳаллий ва чет эл қурилиш ташкилотларининг танлов таклифини баҳолашда маҳаллий қурувчилар учун қуйидаги нарх имтиёзлари қўлланилади: танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифи иштирокчилари томонидан кўрсатилган четдан келтириладиган (ишлар) хизматлар ва шунга асосан ишлар (хизматлар)ни олиб кирувчилар қонунчиликка кўра қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади, кўрсатилган солиқ бўйича нархи ҳисобланади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Тошкент вилояти ҳокимлиги "Тошконсалтингстройторг" давлат корхонасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри А.Навоий кўчаси 18-уй. 308, 311-хоналар. Тел: 241-15-26, 241-15-32.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 120 000 (Бир юз йигирма минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – оферталар очилиш куни ва соатигача.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгач, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри Амир Темур шоҳ кўчаси 19-уй.

Утерянный гувохнома № 404366, выданный 6.05.2009 г. хокимиятом М.Улугбекского р-на г.Ташкента на ЧП "Кадырова Азиза Шавкатовна", считать недействительным.

Утерянная чековая книжка № 05373301-05373325, выданный Чиланзарским филиалом "Ипотека банк"а на ЧП "Кадырова Азиза Шавкатовна", считать недействительным.

Утерянный патент № 0802333, выданный 2004 г. хокимиятом Чиланзарского р-на г.Ташкента на имя Кучкаровой Насибы Зиямовны, считать недействительным.

Утерянный патент реестр № 0106495, гувохнома № 01-04959 (ИНН 601010452), выданный 08.01.2002 г. хокимиятом Учтепинского р-на г.Ташкента на имя Нурбаеву Мураду Усмановичу, считать недействительным.

Утерянный план квартиры по адресу: г.Ташкент Учтепинский р-н Чиланзар-15 д.11 кв-ра 9, выданный БТИ Учтепинского р-на г.Ташкента на имя Лихоненко Анастасии Вячеславовны, считать недействительным.

Утерянный аттестат А № 033888, выданный в 1992 г. сред.шк. № 78 Учтепинского р-на г.Ташкента на имя Габайдулиной Лолы Ромилевны, считать недействительным.

Утерянную круглую печать, зарегистрированную отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимята М.Улугбекского р-на г.Ташкента по адресу: г.Ташкент М.Улугбекский р-н ул.Чуст д. 6 кв-ра 15, выданную разрешительным отделом М.Улугбекского РУВД, считать недействительным.

Ўзбекистон кубогида юзага келган можаро бўйича якуний қарор қабул қилинди

"Шўртан"–"Пахтакор" ўйини қайта ўтказилмайди

ЎФФда ниҳоясига етган мажлисда федерация президенти Мираброр Усмонов Ўзбекистон кубоги доирасидаги "Шўртан" ва "Пахтакор" жамоалари ўртасидаги ўйин қайта ўтказилмаслигини эълон қилди. Қарорга биноан, "Шўртан" ярим финалда тўп сурадиган, ўтган йилги кубок соҳиби "Пахтакор" эса мусобақани тарк этадиган бўлди. Жавоб учрашувини бошқариб борган ҳакамлар баъзи вазиятларда хатога йўл қўйган, деб топилди ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилади. Шунингдек, мажлисда айнан юқоридаги ариза юзасидан қолдирилган "Локомотив" ва "Шўртан" жамоалари ўртасидаги биринчи ярим финал учрашуви муддати маълум қилинди. Унга кўра дастлабки учрашув 3 июль, жавоб ўйини эса 27 июль кунига белгиланди.

Аслида можаронинг келиб чиқишига нима сабаб бўлди?

Ўзбекистон кубогининг чорак финалида Ғузорнинг "Шўртан" ҳамда Тошкентнинг "Пахтакор" жамоалари рўбарў келишди. Тошкентда ўтказилган дастлабки баҳсда Ғузор жамоаси 1:2 ҳисобида устун келганди. 27 июнь куни Ғузорда ўтказилган жавоб учрашувида 1:1 ҳисоби қайд этилди ва икки ўйин натижасига кўра ярим финалга "Шўртан" чиқадиган бўлиб турган эди. Аммо "Пахтакор" жамоаси маъмурияти жавоб ўйинида учрашув бош ҳаками Марат Исмоиловни жамоанинг иккита голини ҳисобга олмаганликда айблаб, учрашувни қайта ўтказишни сўраб ЎФФ ва ПФЛга мурожаат қилишди. 29 июнда ЎФФ биносида ўтказилган йиғилишда комиссия учрашув бош ҳаками ҳақиқатан ҳам иккита ҳаққоний голни ҳисобга олмаганини тасдиқлади. Шунингдек, мазкур комиссия 30 июнь ҳамда 3 июль кунларига белгиланган "Локомотив" (Тошкент) ва "Шўртан" ўртасидаги Ўзбекистон кубоги ярим финал учрашувларини ҳам номаълум муддатга қолдирди.

Хўш, ўзи ЎФФ интизом кодексида бу каби вазиятларда қандай йўл тутиш лозимлиги ҳақида нима дейилади? Қоидага кўра, учрашув натижасини бекор қилиш ёки қайта ўтказиш кодекснинг 5,5 (бир ёки иккала жамоа футболчиларининг интизомсизлиги сабаб), 5,11 (ҳужжатларни қалбакилаштириш) ва 5,26-модда (учрашув бош ҳаками ёки инспекторини "сотиб олиш")ларига биноан амалга оширилади. Бошқачасига айтганда, ЎФФ интизом кодексида ҳакам хатоси сабаб ўйинни қайта ўтказиш белгиланмаган. Яъни ҳакам йўл қўйган хатоси учун ўзи жавоб беради, футбол клуби эмас.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР КЕНГАШИ

Зафар РЎЗИЕВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Раҳимберди БЎРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Санд АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдураҳмат БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОЕВ, Зиёвуддин ОБИДОВ, Ҳакимжон УМАРХЎЖАЕВ.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ағитай АДИЛОВ, Улуғбек УЗОКОВ, Ўткир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — 352-54-58, 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 593-27-57; Жиззах — 366-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган ва Фарғона — 224-81-69; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 520-69-14; Қашқадарё — 221-59-40.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

① тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: А.ҚУЛМУРОДОВ

Мусаҳҳих: С.ҚОДИРОВ

Дизайнер: Ю.МИХАЙЛОВСКИЙ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-617, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.20
11172 нусхада босилди. Нашр индекси — 144

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

2345